

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил апрель ойининг 22 куни, соат 11:30да жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.А.Эргашев, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурори ўринбосари А.Хўжамқулов, судланувчи А.Холматов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Урақов ҳамда жабрланувчи Б.Мўминовнинг иштирокида, судланувчи Холматов Алибек Элчин ўғлига оид №1-1413-2501/153-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Холматов Алибек Элчин ўғли, 2003 йил 12 июль куни Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти тугалланмаган олий, Қарши давлат университетининг талабаси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 21.10.2024 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан 1 йил 6 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, бугунги кунга қадар ушбу жазо ўталмаган, вақтинча ишсиз, Ғузор тумани, “Гулшан” маҳалласи, “Файз” кўчаси, 5-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 19.03.2025 йил ушланиб, 20.03.2025 йил “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 02.04.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи А.Холматов ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 14 июнь куни ўзига тегишли бўлган +998-77-004-53-60 телефон рақамидан Пастдарғом тумани Чархин маҳалласида яшовчи 10.03.2000 йилда туғилган жабрланувчи Б.Мўминовнинг +998-91-541-13-73 телефон рақамига қўнғироқ қилиб, унга омадли ўйинда ғолиб бўлиб, ютуқ сифатида уяли алоқа воситаси чиққани ва ушбу уяли алоқа воситасини Самарқанд вилоятига юбориши учун 250.000 сўм почта



харажатлари мавжудлигини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан ўзига тегишли бўлган 986012013595674 рақамли банк картасига 250.000 сўм миқдордаги пул маблағларини ташлатиб олиб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Судланувчи А.Холматов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган ўз кўрсатувида, 2024 йилнинг бошларида Миллий банкдан ўз номига 986012013595674 рақамли банк картасини очтиргани, ушбу картага ишлаб топган пулларини ташлаб боргани, ота-онаси билан уришиб қолиб, Тошкент шаҳрига кетиб қолгани, пулсиз кўчада қолганидан сўнг, пул топишни чораларини қидириб, ўзига тегишли бўлган “Redmi note 7” русумли телефонида фойдаланиб келадиган +998-77-004-53-60 телефон рақамидан тасодифий рақамни терганида, у терган рақам эгаси телефонни кўтарган ва унга исмини Бунёд деб айтгани, у Бунёд билан телефонда гаплашиш вақтда, ўзини расмий ходим деб таништириб, омадли акцияда қолиб бўлгани ва совринга уяли алоқа воситаси чиққанлигини айтиб уни алдагани, телефонни Тошкент шаҳридан олиб кетишни, агар имконияти бўлмаса, почта орқали юборишини айтиб, уни ишончига кириб, уни қайси вилоятдан эканлигини сўраб билиб олгани, сўнг Б.Мўминовга Миллий банкдан ўз номига очилган 986012013595674 рақамли банк картасини рақамини телефонда айтиб, ушбу картага 250.000 сўм пулни ташлаб берса, телефонни Самарқанд вилоятига юбортиришини айтгани, Б.Мўминов уни гапларига ишониб, картасига 250.000 сўм пулни ташлаб бергани, у Б.Мўминовдан олган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, шундан сўнг уни уйига фуқаролик кийимдаги ИИБ ходимлари келишиб, ҳолат юзасидан сўрашганда, уларга бўлган ҳолатни айтиб бергани, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи Б.Мўминовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи А.Холматов суд терговда ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги, яъни:

-судда сўралган жабрланувчи Б.Мўминовнинг, 2024 йил 14 июнь куни 77-004-53-60 телефон рақамидан нотаниш киши, кейинчалик билишича судланувчи А.Холматов кўнғироқ қилиб, унинг ишлатиб турган 91-541-13-73 телефон рақамига совринли ютуқ, яъни қимматбаҳо телефон аппарати чиққани, агар имконияти бўлса, Тошкент шаҳрига келиб расмий офисдан олиб кетиши мумкинлиги, имконияти бўлмаса айтган банк картасига 250.000 сўм пулни ташлаб юборса, телефонни Тошкент шаҳридан яшаш манзилига почта орқали юборишини айтиб, унга 9860120135956874 рақамли банк картасини ташлаб бергани, судланувчи А.Холматовни гапларига ишониб, ташлаб берган пластик картасига пайнет орқали 250.000 сўм ташлаб бергани, аммо белгиланган муддат ўтган бўлса-да, А.Холматов унга ваъда қилган телефон аппаратини юбормагани ва уни телефонига жавоб ҳам бермасдан қуйгани, шунда алданиб қолганини билиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирги кунда ушбу ар судланувчи А.Холматов томонидан депозит ҳисоб рақамига топширилгани,



унга нисбатан даъвоси йўқлиги ва депозит ҳисоб рақамига тўланган пулни уни фойдасига ўтказиб беришни сўрагани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган жабрланувчи А.Холматовни аризаси, “раунет” орқали тўлов қилингани ҳақидаги тўлов паттаси, банк сири маълумотлари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Холматовнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан нотўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланганни жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши;

5-бандида, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, шунингдек, суднинг қарорлари ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклига ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан юқоридаги Қонун ҳамда Пленум қарори талабларига риоя қилинмасдан, жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текширмасдан ҳамда иш материалларида юзага келган шубҳани бартараф этмасдан тахминларга асосланган ҳолда судланувчи А.Холматовга ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб, хавфли рецидивист бўла туриб фирибгарлик жинояти содир қилган деган мазмунда айб эълон қилиб, барвақт хулосага келган кўринади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандида, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан



фойдаланиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан фирибгарлик жинояти содир этганлик учун жиний жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорининг 22-бандида, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «г» банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Манипуляция сўзининг луғавий маъноси – ўзгартириш, таҳрирлаш, таъсир ўтказиб бошқариш, таъсир ўтказиш маъноларини англатади.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи А.Холматов жабрланувчи Б.Мўминовнинг мулкни алдов йўли билан уяли алоқа қурилмаси ёрдамида ўзлаштириш жараёнида компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш ёки компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан содир этмаган, аксинча жабрланувчи Б.Мўминов алдов таъсирида ўз ихтиёри билан “раунет” тўлови орқали унинг пластик картасига пул ташлаб берган.

Қолаверса, ўзлаштирилган пул маблағлари молия, банк муассасалари, фондларга тегишли эмас, аксинча фуқароларга тегишли ҳисобланади.

Шунингдек, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан фирибгарлик жиноятини содир қилганлик учун жиний жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмида, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодекста алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахсининг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши кўрсатилган.

Иш ҳолатлари ўрганилганда, судланувчи А.Холматов муқаддам 21.10.2024 йил жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан судланган бўлиб, мазкур иш бўйича содир қилган жиноятини ушбу ҳукмдан кейин эмас, аксинча ундан олдин, яъни 2024 йил 14 июнь уни содир қилган.

Бундан ҳолда, судланувчи А.Холматов хавфли рецидивист бўла туриб, фирибгарлик жиноятини содир қилган деб бўлмайди.

Бундан ташқари, ЖКнинг 32-моддаси 1-қисмида, ЖК Махсус қисмининг бир моддасида, қисмида, Кодекста алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли



моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 2-банди 1-хатбошисида, жиноятлар мажмуи ва такроранлиги тариқасидаги бир неча жиноят учун умумий белги - шахснинг бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслигидир деб тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига кўра, А.Холматов бир эпизоддан иборат, яъни 2024 йил 14 июнь куни ўзига тегишли бўлган +998-77-004-53-60 телефон рақамидан жабрланувчи Б.Мўминовнинг +998-91-541-13-73 телефон рақамига кўнғирок қилиб, унга омадли ўйинда ғолиб бўлиб, ютуқ сифатида уяли алоқа воситаси чиққани ва ушбу уяли алоқа воситасини Самарқанд вилоятига юбориши 250.000 сўм почта харажатлари мавжудлигини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан ўзига тегишли бўлган 986012013595674 рақамли банк картасига 250.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини ташлатиб олиб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра, судланувчи А.Холматов муқаддам 9 эпизоддан иборат, яъни 07.10.2023 йил, 29.12.2023 йил, 04.01.2024 йил, 10.01.2024 йил, 21.01.2024 йил, 08.01.2024 йил, 17.02.2024 йил, 20.02.2024 йил ва 22.02.2024 йил содир қилган фирибгарлик жиноятлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундай ҳолатда, судланувчи А.Холматовни олдинги жиноий қилмишлари учун судланганлиги сабабли, мазкур иш бўйича фирибгарлик жиноятини такроран содир қилган деб баҳолаб бўлмайди.

Қолаверса, тергов органи судланувчи А.Холматов такроран фирибгарлик жинояти содир қилганлик ҳолати бўйича айб ҳам эълон қилмаган.

Ваҳоланки, ЖККнинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва ЖККнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;



ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Шунга кўра, суд судланувчи А.Холматов хавфли рецидивист бўла туриб ёки такроран, жабрланувчини мулкани ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда алдаш йўли билан фирибгарлик орқали қўлга киритган деб эмас, аксинча алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритган деб эътироф этиб, ушбу қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандларидан ушбу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топди.

Суд, судланувчи А.Холматовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Холматовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи Б.Мўминовни даъвоси йўқлиги, ёши, оилавий шароити ва шахсини ҳисобга олиб, уни хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, айбли деб топилаётган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд мажлиси залидан озод қилишни;

-шунингдек, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 21 октябрдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазога қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаб, юқорида қайд этилган ҳукм билан ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ чегирилган ва ўталган деб ҳисобланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегиришни;

-етказилган зарарни қопланишини таъминлаш мақсадида, Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 453.000 (тўрт юз эллик уч минг) сўм пулларни 250.000 (икки юз эллик минг) сўм қисмини жабрланувчи Б.Мўминовни фойдасига ўтказишни ва ортиқча тўланган 203.000 (икки юз уч минг) сўм қисмини судланувчи А.Холматовни ўзига қайтаришни белгилашни;

-жабрланувчи Б.Мўминовга судланувчи А.Холматовнинг жиноий қилмиши ижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси



5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Холматов Алибек Элчин ўғли** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи А.Холматовга Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат фойдасига ундириш шarti билан 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи А.Холматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, 2025 йил 19 мартдан 2025 йил 22 апрель кунига қадар 35 (ўттиз беш) кун дастлабки қамоқда ўтирган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 3 (уч) ой 15 (ўн беш) куни ўталган деб ҳисоблансин ва қатъий ўташ учун 8 (саккиз) ой 15 (ўн беш) куни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Судланувчи А.Холматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 21 октябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат фойдасига ундириш шarti билан 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи А.Холматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра, чегирилган 11 (ўн бир) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталгани инобатга олиниб, қатъий ўташ учун 1 (бир) йил 8 (саккиз) ой 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ғузур туман ИИБ Пробация бўлими белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати судланувчи А.Холматов жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Ғузур туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчи А.Холматовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залидан қамоқдан озод қилинсин.



Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 453.000 (тўрт юз эллик уч минг) сўм пулларни 250.000 (икки юз эллик минг) сўм қисми жабрланувчи Б.Мўминовни фойдасига ўтказилсин.

Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 453.000 (тўрт юз эллик уч минг) сўм пулларни ортиқча тўланган 203.000 (икки юз уч минг) сўм қисми судланувчи А.Холматовни ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи Б.Мўминовга судланувчи А.Холматовнинг жиноий қилмиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья
“Аслига тўғри”

Имзо

М.А.Эргашев

